ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Гулистнон
давлат
университети

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИДА ЛОГИСТИКА ХИЗМАТИ

Жаҳон бозорида мева-сабзавот маҳсулотлари савдоси 205 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бир пайтда, республиканинг мазкур бозордаги улуши **бир фоизга ҳам етмаяпти**. Ушбу маҳсулотларинг мамлакат экспорти таркибидаги улуши эса атиги **7 фоизни** ташкил қилади.

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва уларнинг ташқи бозорларга экспортини ривожлантиришда **улкан салоҳиятга эга**.

Аммо шуни унутмаслик керакки, **салоҳият ва уни амалга ошириш икки хил тушунча.**

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш учун кўп ишлар қилинмоқда, аммо **маҳсулот етиштириш ҳажмининг ўсиши** автоматик равишда **экспорт ҳажмини кўпайишига олиб келмайди.**

Мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш (етиштириш) ҳажми (минг тонна)



■■■ *Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси*
https://www.stat.uz/uploads/doklad/2016/doklad-2016-yanvar-dekabr-ru.pdf
https://www.stat.uz/uploads/doklad/2017/yanvar-dekabr/ru/qishloq-xojaligi-yanvar-dekabr-ru.pdf
https://www.stat.uz/uploads/doklad/2018/yanvar-dekabr/ru/4.pdf

UzAnalytics

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортининг динамикаси ва таркиби (минг тонна)



	2017	2018	2019 (январь-октябрь ойларида)
Мева-сабзавотлар экспортининг умумий ҳажми	904,1	1 230,6	1 159,7

шу жумладан:

- мевалар
- сабзавотлар
- узум
- ер ёнғоқ
- қовун ва тарвуз

Манба: https://www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/5277-vneshnetorgovyj-oborot-respubliki-uzbekistan-2
https://www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/7772-vneshnetorgovyj-oborot-respubliki-uzbekistan-9999999

UzAnalytics

2020 йилда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича МАЪЛУМОТ

Маҳсулот номи		Ҳажми (тонна)	Қиймати (минг долл.)
№	Жами	24 802	18 987
1	Мевалар	6 325	6 892
2	Сабзавотлар	12 718	6 155
3	Полиз маҳсулотлари	1 441	446
4	Дуккакли маҳсулотлар	2 242	2 957
5	Узум	939	763
6	Ёнғоқлар	68	74
7	Кўчатлар	12	22
8	Уруғлар	25	20
9	Қуритилган мева-сабзавот маҳсулотлари	1 032	1 659

Экспортда аввалам бор, потенциал **истеъмолчига қайси маҳсулот кераклигини ва унинг эҳтиёжи**ни тушуниш керак.

Шунингдек, **ҳақиқий истеъмолчи ким ва у қайси мамлакатларда яшайди** каби саволларга ҳам жавоб бўлиши керак. **Бундан ташқари**, мевалар экспорти ҳақида гап кетганда, **боғ барпо этишдан бошлаб токи у ҳосилга киргунгача кетган вақтда (ушбу йиллар давомида) истеъмолчиларнинг эҳтиёжи ва талаби қандай ўзгаришини** олдиндан кўра билиш лозим.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий ташқи бозорлари (экспорт географияси)

	2017		2018		2019 (январь-октябрь)	
	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда	Экспорт ҳажми, минг тонна	Экспорт ҳажмидаги улуши, фоизда
Қозоғистон	472,0	***52,2***	584,7	***47,5***	473,1	***40,8***
Россия	165,2	***18,3***	238,2	***19,4***	214,9	***18,5***
Қирғизистон	52,9	***5,9***	88,2	***7,2***	109,4	***9,4***
Афғонистон	52,7	***5,8***	73,4	***6,0***	32,8	***2,8***
Туркия	27,7	***3,1***	23,0	***1,9***	58,5	***5,0***
Хитой	21,9	***2,4***	66,9	***5,4***	36,4	***3,1***
Покистон	6,2	***0,7***	29,8	***2,4***	34,2	***3,0***
Украина	7,3	***0,8***	14,8	***1,2***	52,7	***4,5***

Манба: *https://www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/5277-vneshnetorgovyj-oborot-respubliki-uzbekistan-2*
https://www.stat.uz/ru/press-tsentr/novosti-komiteta/7772-vneshnetorgovyj-oborot-respubliki-uzbekistan-9999999

UzAnalytics

Ўзбекистоннинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш географиясини юқоридаги жадвалдан келиб чиқадиган бўлсак, ушбу маҳсулотларнинг қарийб **90 фоизи 8 мамлакатга, деярли 70 фоизи эса 3 та давлатга (Қозоғистон, Россия ва Қирғизистонга)** экспорт қилинади.

Ўзбекистон Россия бозорига кўкатларни экспорт қилади ва илк бор Россия бозорида энг йирик кўкат импортчисига айланди. Ўзбекистоннинг мазкур бозордаги улуши 40 фоизни ташкил қилди.

Қайси мамлакатлар бозори ҳисобига Ўзбекистон экспорт ҳажмини ошириши мумкин: юқорида кўрсатилган мамлакатларга экспорт ҳажмини ошириш ҳисобигами ёки экспорт географисини кенгайтириш ва диверсификалаш орқалими?

Агар Ўзбекистон юқори сифатли ва хавфсизлик кўрсаткичлари талабларига жавоб берадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширса, бундай маҳсулотларни дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятига эга, ҳаттоки маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича юқори талабга эга бўлган давлатларга ҳам.

Шубҳасиз, **Осиё мамлакатлари (айниқса Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий-Шарқий Осиё)**, шунингдек, **Европа Иттифоқи мамлакатлари** энг истиқболли муқобил бозорлардир (**Андрей Ярмак** – БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) инвестиция бўлимининг иқтисодчиси, қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва менежменти бўйича етакчи мутахассис).

Ҳар бир тадбиркор экспортни амалга оширишда стратегик қарорлардан, бозорни тўғри тушунишдан бошлаши керак. Акс ҳолда, унинг маҳсулотларига талаб умуман бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳоллар Ўзбекистонда кўп учрайди. Аммо маҳсулот етиштириш – ишнинг ҳаттоки ярми ҳам эмас. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришда уларни истеъмолчиларга сифатли (хусусиятларини йўқотмаган ёки максимал даражада сақлаган) ҳолда етказиб бериш, маълум вақт сақланиши ва

қадоқлаш каби омилларни ҳисобга олиш жуда муҳим ҳисобланади. Аксарият ҳолларда ҳосил йиғим-теримидан кейинги жараёндаги харажатлар ва сармоялар маҳсулотни етиштиришга кетган маблағдан кўп бўлиб, кўпинча бундай харажатлар етарлича эътиборга олинмайди.

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ва уларни экспорт қилувчилар асосий қуйидаги хатоларга йўл қўймоқдалар?

1. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бизнес-режалардаги ҳаражатларни ҳисоблашдаги хатоликлар.

2. Бизнес-режада маркетинг харажатлари ҳисобга олинмаслиги.

3. Махсулотни сақлаш, истеъмолчи учун тайёр маҳсулотга айлантириш ва маркетинг билан боғлиқ харажатларни бизнес-воситачига “юклаш”.

Ўзбекистон географик жиҳатдан барча ташқи бозорлардан (мева ва сабзавотлар экспорти учун) узоқ масофада жойлашган. Бу дегани, маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб бериш харажатлари, яъни логистика харажатлари доим юқори бўлади. Шу сабабли, арзон нархдаги маҳсулотларни экспорт қилишнинг маъноси йўқ – даромадли экспорт учун маржа етарли даражада бўлмаслиги мумкин. Бундан ташқари, мамлакатда ишчи кучининг етарлилигидан ҳам фойдаланиш лозим – ҳосил йиғим-терим жараёни қанчалик меҳнат талаб ва харажатли бўлса, Ўзбекистоннинг ушбу маҳсулотни экспорт қилиш имконияти шунчалик юқори бўлади. Албатта, маҳсулотнинг сифати, хавфсизлиги ва унинг сақланишини таъминлаш **зарур инфратузилма ва билимларнинг мавжудлигига** ҳам боғлиқ.

Логистик хизматларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- саралаш,
- калибрлаш,
- қуритиш,
- қайта ишлаш,
- сақлаш, ташиш,
- етказиб бериш,
- божхона расмийлаштируви,
- карантин,
- озиқ-овқат хавфсизлигини сертификатлаш,
- мутахассислар маслаҳатлари ва бошқалар.

2019 йил 29 июлда “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4406-сонли ҳамда 2020 йил 11 августда “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4803-сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорларга асосан 2019—2024 йилларда **3 млн тонна** қувватга *(367 млн.долл)* эга бўлган **8 та** йирик ва **424** минг тонна қувватга эга бўлган **39 та** замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш белгиланган.

Агрологистика занжирининг анъанавий схемаси
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи
Сақлаш
Улгуржи савдо
Қадоқлаш
Ташиш
Тарқатиш маркази
Супермаркет

2020 йилда Республика буйича жами қуввати **737,6 минг** тонна бўлган **51 та** агрологистика марказлари *(Кароргача **597,2 минг тн** бўлган **31 та** марказ мавжуд бўлган)* фаолият юритмоқда, шундан жами қуввати **116,4 минг** тонна бўлган **17 та** агрологистика марказлари 2020 йилда ишга туширилди *(Фаргона **9 та** куввати **102,4 минг** тн. Андижон **3 та** куввати **77 минг тн.**, Сурхондаре **8 та** умумий куввати **111,3 минг тн.**, Самарқанд **7 та** умумий куввати **161,1 минг** тн ва бошкалар)*.

Фарғона вилоятида фаолият кўрсатаётган Агрологистика марказлари тўғрисида
МАЪЛУМОТ

№	Шаҳар (туман) номи	Корхо-на сони	Йиллик ишлаб чиқа-риш қуввати	2021 йилда амалга ошириладиган лойиҳалар					Эришилади-ган натижа	
				Сони	Қуввати	Жами	Ўз мабла-ғи	Банк креди-ти	Сони	Қув-вати
Вилоят жами:		**9**	**102400**	**3**	**16000**	**97472**	**36472**	**61000**	**12**	**118400**
1	Фарғона ш	1	10 000						1	10 000
2	Марғилон ш	1	16 000						1	16 000
3	Олтиарик т	3	6 500						3	6 500
4	Қўштепа т	1	1 000	1	1 000	10 000	4 000	6 000	2	2 000
5	Ёзёвон т	1	900						1	900
6	Учкўприк т	1	38 000						1	38 000
7	Қува т			1	9 000	80 472	30 472	50 000	1	9 000
8	Фарғона т	1	30 000	1	6 000	7 000	2 000	5 000	2	36 000

Агрологистика марказлари Германия, Швеция, Италия, Австрия, Туркия ва бошка давлатларнинг юқори технологик асбоб-ускуналари билан жиҳозланган булиб, корхоналарда ўта юқори ҳароратда ишлов бериш, шок усулда музлатиш, асептик қадоклаш, сунъий қуритиш усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. Бунинг натижасида **2020 йилда 19 миллион** долларлик маҳсулотлар Россия, Германия, Италия, Швеция, Хитой, Корея каби давлатларга экспорт қилинди. Халқаро сифатни бошқариш менежменти тизимлари ИСО 9001, ИСО 22000, Глобал Гап, Хасспни кенг жорий қилиш ишларини **16 та** корхона амалга оширмокда.

2019-2024 йилларда **3 млн тонна** қувватга *(367 млн.долл)*эга бўлган **8 та** йирик замонавий агрологистика марказларини **1 боскичидаги 3 та лойихалар** учун Андижон *(18 га),* Самарқанд *(22 га)* ва Тошкент *(30 га)* вилоятларида ер майдонлари ажратилди, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таъсисчилигида **"Uzagrologistics Centers"** МЧЖ бошқарув компанияси ташкил этилди, лойиҳани амалга ошириш гурухи шакиллантирилди, агрологистика комплекслари лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун Францияннинг **Rungis Semmaris** компанияси танланиб, Осиё тараққиёт банки томонидан маъқулланди ва 2020 йилнинг 9 декабрида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Францияннинг **"Rungis Semmaris"** компанияси ўртасида асосий келишув (Рамочное соглашение) имзоланди.

Агрологистик марказларининг экспорт географияси

№	Давлатлар номи	2020 йил	
		тонна	минг.долл
Жами		24 802	18 987
1	РОССИЯ	13 007	10 731
2	КАЗАХСТАН	7 292	3 181
3	АФГАНИСТАН	2 237	1 796
4	ПАКИСТАН	753	1 263
5	КОРЕЯ	275	700
6	КИТАЙ	196	352
7	БЕЛОРУССИЯ	157	188
8	ИРАК	242	164
9	ТУРКМЕНИЯ	174	125
10	ГЕРМАНИЯ	37	107
11	ТУРЦИЯ	105	90
12	ПОЛЬША	48	86
13	УКРАИНА	74	62
14	КЫРГЫЗСТАН	56	60
15	ИРАН	44	40
16	ЛИТВА	76	23
17	ГРУЗИЯ	22	9
18	ТАИЛАНД	1	6
19	АВСТРИЯ	4	4
20	ИТАЛИЯ	2	1



2021 йилда Республика худудлари буйича жами қуввати **282,1 минг тонна** бўлган **20 та** агрологистика марказлари лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган.

2021 йил якуни билан белгиланган лойихаларни амалга ошириш натижасида республика буйича жами қуввати **1019,7 минг** тонна бўлган **71 та** агрологистика марказлари фаолият юритади *(Фаргона вил.* ***11 та*** *куввати* ***118,4 минг*** *тн., Андижон вил.* ***6 та*** *куввати* ***104,1 минг тн.****, Сурхондаре вил.* ***10 та*** *умумий куввати* ***166,3 минг*** *тн.ва бошка вилоятлар).* **2021 йилга белгиланган** барча лойиҳалар ишга туширилиши ҳисобига агрологистика марказлари **экспорти 26 млн.долл. га етказилади**.

Франциянинг машҳур Ранжис мега-бозорида бўлгани сингари, ушбу агрологистика мажмуаларда ҳам фақат улгуржи савдогарлар савдо қилишлари мумкин бўлади. **Агрологистик марказларнинг асосий мақсади** мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ташқи бозорга чиқиш учун тайёрлаш жараёнини халқаро даражага етказишдир.

Эътиборларингиз учун ташаккур!